

ШИМОЛИЙ – ҒАРБИЙ УСТУРШОНАНИНГ ҚАДИМГИ СУҒОРМА ДЕХҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАРДА АКС ЭТИШИ

Ғофуров Ж., ЖДПИ ўқитувчиси

Уструшонанинг марказий қисмида ўтроқ ҳаёт ва суғорма деҳқончилик кадимдан вужудга келганлиги тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. О.И.Смирнова таъкидлаганидек-»Юнон муаллифларининг шоҳидлик беришича, Ўрта Осиё, хусусан, Уструшонада милодий эр.авв. IV асрдаёқ шаҳар ҳаёти тараққий этган, сунъий суғориш тизимларига асосланган деҳқончилик ривожланган. Ўрта Осиё шаҳарлари орасида ўша давр учун энг нуфузли бўлган Киропол шаҳри Уструшонада жойлашган. Тарихчилар Кирополдан ташқари Александрнинг лагер-қароргоҳи билан Сирдарё ўртасида жойлашган яна бешта шаҳар ҳақида хабар берадилар ва бу шаҳарлардан фақат бири Газа шаҳри номини эслатиб ўтишади».

Антик давр муаллифлари ўз эсдаликларида Уструшонанинг шимолий. шимолий-ғарбий вилоятлари ҳақида, афсуски фикр билдиришмайди. Шу сабабли бу давр ҳаёт тарзи ва ҳўжалиги тарихини, аввало, географик шароитларни ҳисобга олган ва уни таққослаган ҳолда қолаверса фақат археология тадқиқотлари натижасида яратиш мумкин.

Сангзор ва Зоминсув дарёлари водийсига Туркистон, Моргузар тизмалари, Нуротанинг шарқий ўнгирлари тоғ этакларидаги текисликларга. Мирзачўл билан туташ дашт ҳудудларга ҳўжалик юритишнинг воҳа типи хусусиятлидир. Ўрганилаётган воҳанинг асосий сув манбалари Сангзор ва Зоминсув ҳудуди тасарруфидаги Қили, Хўжамушкентсой, Шўрбулоқсой, Равотсой, Пишағарсой, Жалойирсой, Туркмансой ва бошқа оқар сув ҳавзалари ер тузилиши геологик тўртламчи даврнинг унумдор аллювиаль қатламлари билан қопланган. Шунингдек, бу водийлар ҳудудидаги антик давр ёдгорликлари атрофидаги ер юзини оқар сув таркибида «кўчиб» келган ва тарқалган лойтупроқ ва қумтупроқ бирикмаларидан иборат қалинлиги бир неча сантиметрдан 2,5 метр гача етадиган унумдор, маданий агроирригация қатлами қоплаган. Тупроқшунос мутахассисларнинг аниқлашича Зарафшон ва Сангзор воҳаси суғорма майдонларида агроирригация қатламининг бир йиллик ўсиши 1,3 ммга, 150-200 йиллик ўсиши 20-30 смга тенг. Бундан келиб чиққан ҳолда қалинлиги 2.5 ма етадиган агроирригация қатламли воҳаларда, хусусан Қалиятепа суғорма деҳқончилик мавзейида илк ирригация тизимлари 2000 йилдан кам бўлмаган даврий санада пайдо бўлганини тахмин қилиш мумкин.

Шимолий-ғарбий Уструшонадаги ҳозиргача археология тадқиқотлари асосида аниқланган энг қадимги суғорма деҳқончилик воҳаси Хўжамушкентсой ҳавзасидаги Хонтепа, Сағанақтепа қишлоқ маконлари билан боғлиқ маданий мавзейдир. Бу икки ёдгорлик сойнинг ўнг қирғоғида, унинг қуйи оқимида жойлашган бўлиб милодий эр.авв. V-IV асрлар билан даврланади. Хўжамушкентсойнинг қуйи оқими ҳозирги пайтда бетон шоҳ ариққа солиниб, Хонтепа мавзейи яқинидан ғарб-шарқ йўналиши бўйича буриб юборилган бўлса-да, эни 50-60 мга, чуқурлиги 3-5 ма тенг. Жануб-шимол томонлари бўйича йўналган эски қуруқ ўзан ҳозиргача сақланиб қолган.

Сангзор ва Зоминсув оралиғидаги воҳада илк антик даврга оид Хонтепа ва Сағанақтепага ўхшаш ёдгорликлар ҳозирча бошқа қайд этилгани йўқ. Бу аввало, ушбу даврга оид ёдгорлик умуман йўқ деган маънони бермайди, қолаверса, ўтмишда бўлганлари ҳам А.Македонский истилоси муносабати билан вайрон этилган бўлиши мумкин.

Шимолий-ғарбий Уструшонада Хонтепа йил санаси билан маълум даврий узилишдан кейин бир гуруҳ аҳоли маконлари қад кўтаради. Бу маконлар суғорма деҳқончиликнинг оддий қонуниятига амал қилган ҳолда, катта сой ва булоқлар ўзани

ёқасида воҳанинг асосий сув манбаи икки дарё қирғоғида қурилади. Уструшонанинг маълум ва машҳур шаҳарларидан бири Зоминнинг ўрни Қўрғонтепадан (Ўрдатепа), милодий эр.авв. II-I асрларга оид археологик материалларни шаҳарни ичимлик ва деҳқончилик суви билан таъминлаш учун Зоминсувдан чиқарилган шох ариқ ёқасидан топилиши тасодифий ҳол эмас. Антик даврнинг ушбу босқичида Сангзор дарёси билан боғлиқ деҳқончилик ҳудудларида аҳоли маконлари қурилиши нисбатан оммавий тусни олган. Бу даврда воҳанинг энг улкан ва бизнинг давримизгача яхши сақланиб қолган Қалиятепа шаҳар макони бунёд этилган. Ёдгорликни бир неча жойида ўтказилган қазув-тадқиқотлари натижасига кўра бу ерда эр.авв. III-II асрлардаёқ шаҳар қурилиши хусусиятлари - арки аъло мудофаа девори, Шаҳристон (майдони 5 га) яққол намоён бўлади. Стратиграфик тадқиқотларни нихоясига етмаганини ҳисобга олсак мазкур даврий сана янада қадимийлашиши мумкин. Қалиятепа ва унинг теграсидаги деҳқончилик воҳалари суғорма тизимларини аниқлаш бир қадар мукамалликка эга. Мазкур шаҳар ёдгорлиги Сангзорни ҳозирги ўзанининг энг яқин жойидан 3 км масофа узоқликда, Жиззах воҳасининг шарқий нишаблик мавзейида жойлашган. Айни кунларда ҳам фаолият кўрсатаётган қадимги «Мўлканлик» шох ариғи Қалиятепа аҳоли маконини, унинг атрофидаги зироатчилик пайкаллари суви билан таъминлаган. «Мўлканлик» шох ариғи суви юритишнинг қадимги иншоотидир. Ушбу фикрлар фойдасига қуйидаги омиллар хизмат қилади. Биринчидан, «Мўлканлик» шох ариғи ўрта асрларда Сангзорда қурилган «Беш қувур» суви айирғич тўғонидан эмас, балки дарёнинг юқори қисмидан бош олган. Суви дамба орқали эмас, табиий равишда Қалиятепа томон оққан. Иккинчидан, «Мўлканлик» шох ариғи ҳавзасида кейинчалик 10 га яқин илк ўрта аср қалъа-рабодлари қад кўтарган. Демак, суви сифими 2,0-2,5 кубм. бўлган «Мўлканлик» ариғи антик даврдан фаолият кўрсатишни бошлаган ва ўз фаолиятини кейинги илк ва ривожланган ўрта асрларда ҳам давом эттирган.

Маълумки, Қалиятепа шаҳристуни уч томондан эни 25-50 м, сақланиб қолган чуқурлиги 1,5-3 м.га тенг, маҳаллий аҳоли томонидан «сой» деб аталадиган ҳандақлар билан ўраб олинган.

Ёдгорликнинг тўртинчи шарқий томонида ҳам ҳандақ мавжуд бўлган, лекин, у ўтган аср охирида темир йўл қурилиши, кейинги даврларда бошқа ер ишлари сабабли сақланиб қолмаган. Айнан ушбу ҳандақларнинг шимолий қисмида агроирригация қатлами қалинлигини ўрганиш учун қазув тадқиқоти ўтказилди. Натижада қалинлиги 2,48 м.га тенг, оқиш - қўнғир тусли лой ва қумтупрокдан иборат агроирригация қатлами аниқланди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Туркистон тизмаларидан бошланувчи Сангзор кучли лойқа сувли дарё ҳисобланади. Туркистон тизмасидан бошланувчи дарё ва сойлар унинг ён бағри қияликларидаги ҳудудларнинг 1 кв.км.дан ўртача 250 т лойқа ётқизиклар оқизади. Демак, суви таркибида лойқа оқизиклар қанча кўп бўлса, суғориладиган пайкалнинг нишаблиги қанча кам бўлса, агроирригация қатлами мумкин қадар қалин ҳолатда ҳосил бўлади. Қалиятепа мудофаа ҳандақлари ҳудуди шундай сифатларга эга бўлишидан ташқари бу ҳавзани узлуксиз равишда сувга тўлдириб қўйилганини ҳисобга олсак, юқоридаги натижани бежиз эмаслигини тасаввур қиламиз. Тўғри, Қалиятепада XVI асрнинг ўрталарида ҳаёт тўхташи билан ҳандақлар ўз фаолиятларини тўхтатган. Лекин, умумий майдони 5 га. дан ошиқ бўлган ҳандақлар ўрни кейинги даврдан ҳозирга қадар деҳқончилик ери сифатида ишлатилган ва узвий равишда суғорилиб келинган. Демак, Қалиятепанинг агроирригация қатламини ўрганиш ҳам мавзеда суғориш ишлари антик даврларда йўлга қўйилганини кўрсатади.

Сангзорнинг ўрта оқими ҳавзасида қайд қилинган Қўрғонтепа, Қилининг қуйи оқимида жойлашган Дунётепа ёдгорликлари даврийлик жиҳатидан региондаги ўтроқ ҳаёт тарзи ва деҳқончилик ҳўжалигининг узвий давомчилари бўлиб юзага келган. Қўрғонтепа эр.авв. II-I; Дунётепа милодий эранинг I асри билан давраланади. Дарёнинг юқори оқимида эса худди шу даврларга оид Қўрғон ва Ойдинсойтепа бунёд этилади.

Шундай қилиб, қисқа хулоса қилишимиз мумкин, яъни, аниқланишича шимолий-ғарбий Уструшона суғорма деҳқончилик хўжалиги муқаддимаси Хонтепа аҳоли макони билан боғлиқ. Кичик даврий танаффусдан кейин мазкур маданият Сангзорнинг қуйи оқими Қалиятепа мавзейида вужудга келган, бу жараён дарёнинг ўрта ва юқори оқими водийсига, Зоминсув, Қили дарёчалари ҳавзасига қўчган ва давом этган.